



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№2

2026



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 -yil, 2-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008-yil 31-dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e’tirof etilgan

Tahririyat a’zolari:

Mas’ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardayev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardayeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay’ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay’ati raisi o‘rinbosari:

O.M.Pardayev – SamISI prorektori, iqtisod fanlari doktori,
professor

Tahrir hay’ati a’zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

D.H.Aslanova – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюновсвна Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган инсон капиталининг ривожланишида оиланинг ўрни	5
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда иш ҳақи ва нархлар мувозанатининг аҳамияти	9
Dr. Okszana KISZIL Between the two worlds: migrant children and adaptation strategies	12
Зарина Муродовна Мухаммедова Ўзбекистонда облигациялар бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари ва стратегик йўналишлари	17
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Qishloq xo‘jaligida yetishtiriladigan sigir sutining sifat ko‘rsatkichlari	20
Джунайдилло Садиевич Файзиев, Азизахон Мамасидикова Положительные и отрицательные аспекты использования пальмового масла в пищевой промышленности	23
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Lola Nazarovna Xalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev, Muxammadjon Mansur o‘g‘li Xojiyev O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’siri	28
Anvar Nematovich Xoliqulov Innovatsion iqtisodiyot sharoitida mehnatning xarakteri va manfaatlar mushtarakligi	33
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Абдумалик Бектемиров, Дилшод Фархадович Насиров Оценка эффективности инновационно-инвестиционной стратегии предприятий сферы услуг Республики Узбекистан	36
Рузибой Нормухаматов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов, Шерзод Мирзаали ўғли Музаффаров Соғломлаштириш хизматларида B2 витамини (рибофлавин)нинг ўрни, очилиш тарихи, аҳамияти, манбалари, етишмаслигининг олдини олиш йўллари	43
Обид Мамаюнович Пардаев Иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатишда энергия ресурсларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари	46
Феруз Нематуллаевич Абилов Агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизмини такомиллаштириш	50
Zebo Eshmaxmatovna Normurodova Maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishda sinergetik, messijerlik va geffen samaralarining o‘rni (Qashqadaryo viloyati misolida)	55
Nargiz Toxirovna Sattarova, Sultonbek Azizovich Baxromov O‘zbekistonda servis iqtisodiyoti: xizmat ko‘rsatish sifatini boshqarishning zamonaviy usullari va tendensiyalari	59

О.Пардаев Пути экономии энергетических ресурсов и их эффективного использования при оказании услуг теплоснабжения	O.Pardaev Ways to save energy resources and ensure their efficient use in heat supply services
Аннотация. В данной научной статье проанализированы теоретические основы, практические механизмы и инновационные подходы к экономии энергетических ресурсов и их эффективному использованию в процессе организации услуг теплоснабжения. Также комплексно освещены существующие проблемы в данной сфере, причины их возникновения и пути их устранения. В заключении статьи предложены научно-практические рекомендации по развитию отрасли. Ключевые слова: теплоснабжение, энергоэффективность, энергосбережение, коммунальные услуги, инновации, цифровизация, инновационные технологии, управление ресурсами, энергетический аудит.	Abstract. This scientific article analyzes the theoretical foundations, practical mechanisms, and innovative approaches to saving energy resources and ensuring their efficient use in the organization of heat supply services. It also comprehensively examines existing problems in the sector, their causes, and ways to address them. The article concludes with scientific and practical recommendations for the development of the field. Keywords: heat supply, energy efficiency, energy saving, public utilities, innovation, digitalization, innovative technologies, resource management, energy audit.

Феруз Нематуллаевич Абилов – Самарканд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, СамЙСИ тадқиқотчиси

АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада агросервис хизматларини ривожлантириш асосида аҳолини камбағалликдан чиқариш механизми такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бунда арзон, самарали ҳамда сифатли агросервис хизматини йўлга қўйишда “СҮЮА – модели”дан (“Сифатли хизмат→унумдор ер→юқори ҳосил→арзон маҳсулот”) фойдаланиш асосида аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлаш имкониятлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бунда аҳолини доимий иш ўринларига жойлаштириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, ерларни ижарага бериш аҳолини касбга ўқитиш орқали камбағалликни қисқартиришнинг стратегик механизми ишлаб чиқилганлиги ҳам ёритилган. Калит сўзлар: агросервис, агросервис хизматлари, “СҮЮА – модели”, сифатли хизмат, унумдор ер, юқори ҳосил, арзон маҳсулот, самарадорлик, камбағаллик, камбағаллики қисқартириш.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда энг долзарб масалалардан бири камбағалликни қисқартириш масаласи бўлиб турибди. Чунки, тараққий этган мамлакатларда ушбу категориядаги одамлар бўлмаслиги керак. Шу туфайли бизда ҳам камбағалликни жадаллик билан қисқартиришга киришилди. Ҳозирги кунда Самарканд вилоятида ҳам “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурига асосланган ҳолда тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина мисол Самарканд вилоятида 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 70,3 мингта камбағал оила мавжудлиги аниқланган. Ушбу оилаларда 322,0 минг аъзолари мавжуд бўлиб, битта оилага ўрта ҳисобда 4,55 киши тўғри келади. Ушбу ҳудудда камбағаллик даражаси, умумий оилаларга нисбатан 7,5 фоизни ташкил этади. Шу йилнинг ўзида йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 3,5 фоизга тушириш режалаштирилган. Бу 163384 нафар аҳолини ёки 50,7 фоиз аҳолини иш билан банд қилиш дегани. Ушбу омиллар аҳолини банд қилиш билан бирга камбағалликни қисқартиришнинг ҳам муҳим омиллари ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур мавзуга бугунги кунда ўта долзарб мавзулардан бири сифатида қараш мумкин.

Таҳлил ва натижалар. Самарканд вилоятида камбағалликни кескин қисқартириш бўйича аниқ чора-тадбирлари белгиланган. Чунки аҳоли ўртасида унинг камбағал қатлами бўлар экан, ўша ерда аҳолининг яшаш даражасини юқори деб бўлмайди. Шу туфайли ҳар

бир ҳудудда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ушбу чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

- доимий иш ўринларига жойлаштириш орқали;
- тадбиркорликка жалб этиш ҳисобига;
- ерларни ижарага бериш орқали;
- аҳолини касбга ўқитиш орқали;

- бошқа йўналишлар орқали камбағалликдан чиқариш мақад қилиб олинган. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар қўйилган. Булар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, доимий иш ўринларига жойлаштириш орқали вилоятнинг 75210 нафар фуқароси ишга жойлаштирилиши режалаштирилган. Бу борада тегишли ишлар аниқ дастурлар асосида амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, 52434 нафар фуқаро тадбиркорликка жалб этиш ҳисобига иш билан банд қилинади. Бу ишга жойлаштирилиши лозим бўлган аҳолининг 32,1 %ни ($52430 \cdot 100 / 163384$) ташкил қилади. Бу ҳам туманлар кесимида реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган.

Учинчидан, бу асосан қишлоқ ҳудудларга тегишли бўлиб, ерларни ижарага бериш орқали 8200 нафар фуқаро иш билан таъминланади. Бу умумий ишга жойлаштирилиши лозим бўлган аҳолининг 5,0 %ни ($8200 \cdot 100 / 163384$) ташкил қилади.

Тўртинчидан, аҳолини касбга ўқитиш орқали 3350 нафар фуқаро ишлик бўлади. Чунки шундай ҳудудлар борки, бу ерда қандайдир касбга эҳтиёж бор. Аммо ушбу касбни қиладиган киши етишмайди. Бундай шароитда ишсизларни касбларга ўқитиш орқали иш билан таъминлаш имкониятлари яратилади. Бу умумий ишга жойлаштирилиши лозим бўлган ходимларнинг 2,1 %ни ($3350 \cdot 100 / 163384$) ташкил қилади.

Бешинчидан, аҳоли бошқа йўналишлар орқали камбағалликдан чиқариш мақад қилиб олинган. Буларнинг сони 24190 нафарни ташкил қилади. Бу умумий иш билан банд бўладиганларнинг 14,8 %ни ($24190 \cdot 100 / 163384$) ташкил қилади.

Шуни қайд этиш жоизки, вилоятнинг ҳамма ҳудудларида ҳам ишсизлик даражаси, уни камайтириш бўйича имкониятлар бир хил даражада эмас. Биргина мисол, вилоятнинг Иштихон туманида 1 январь ҳолатига 5117 та камбағал оилаларда 24200 минг нафар оила аъзолари мавжуд бўлиб, камбағаллик даражаси 8,6 фоизни ташкил этади, камбағалликни қисқартириш борасида олиб бориладиган чора-тадбирлар натижасида 2026 йил 1 январь ҳолатига, туманнинг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга туширилиши режалаштирилган. Худди шундай ҳолат вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам сақланиб келмоқда.

Самарқанд вилоятида (9 март ҳолатига кўра) “Онлайн маҳалла” платформаси очилган. Ушбу платформада “Камбағал оилалар реестри” мавжуд Ушбу реестрга 50169 та оила киритилган. Буларнинг 211 212 та аъзоси мавжуд. Ушбу киритилган оилаларнинг бир қисми камбағалликдан чиқариш бўйича дастурга киритилган. Шулардан 2025 йилнинг 9 мартигача 40878 таси ёки 81,5 % ($40878 \cdot 100 / 211212$) оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга кўра, камбағал оилаларга январь-март ойларида жами 67771 та хизмат кўрсатилиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йилнинг 9 мартдаги ҳолатига кўра 46932 та хизматлар кўрсатилган. Бу умумий сонига нисбатан 69 %ни ташкил қилади.

Юқоридаги хизматлар билан 15123 та оила қамраб олинган. Буларга 19324 та даромадли меҳнат билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатилган. Бу хизматларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳозирги пайтда энг ривожланаётган хизматлардан бири ўзини-ўзи банд қилиш бўлиб, ушбу йўналиш бўйича 11058 таси ишга жойлаштирилди.

Иккинчидан, бир қисм аҳоли доимий ишга жойлаштирилган бўлиб, уларнинг сони 7935 тани ташкил қилади. Булар асосан янги яратилган иш ўринлари ва бўшаган иш ўринларини ташкил қилади.

Учинчидан, 212 та оилага имтиёзли кредит ажратилган. Бу оилалар ўзлари тадбиркорлик йўлларини топиб, фақат пул маблағларини банклардан имтиёзли кредит шаклида олган.

Тўртинчидан, бир қисм оилаларга **субсидия ажратилган**. Чунки улар ўзларининг фаолиятларига эга, бироқ тўлиқ қувватда ишлатиш учун маблағ зарур бўлган соҳа соҳиблари. Булар вилоятда 62 та оилани ташкил қилади.

Бешинчидан, бир қисм оилалар **тадбиркорликка жалб қилинган**. Буларнинг сони 57 тани ташкил қилади. Буларнинг асосий қисми ёшлар бўлиб, уларни бир йўла тадбиркорлик билан шуғуллантириб, яхшигина даромад топишга йўналтирилган.

Аҳолига кўрстиладиган хизматларнинг турлари кесимида Самарқанд вилояти бўйича 2025 йилга режалаштирилган кўрсаткичларнинг биринчи чорагида бажарилганлиги ҳақидаги маълумот куйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида режалаштирилган кўрсаткичларнинг 2025 йил биринчи чорагида бажарилганлиги ҳақидаги маълумот

Т/р	Хизматларнинг турлари	Режа бўйича, та	Ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар	Бажариш даражаси, %
1.	Кўрсатилди турли ижтимоий хизматлар	15 195	14 171	93,3
2.	Мактабгача ва мактаб таълими хизматлари	11 922	2 777	23,3
3.	Соғлиқни сақлаш йўналишидаги хизматлар	19 122	10 366	54,2
4.	Маҳалла инфратузилмаси йўналишидаги хизматлар	3572	294	8,2


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳолига кўрсатилган хизматларнинг режалари турли даражада бажарилган. Хусусан, шу йил давомида турли ижтимоий хизматлар 15195 та кўрсатилиши керак бўлган бўлса, йилнинг биринчи чорагида 14171 та хизматлар кўрсатилибди, яъни 93,3 % хизматлар кўрсатилиб бўлинган. Мактабгача ва мактаб таълими билан боғлиқ хизматларнинг шу чоракда бажарилиши 23,3 %ни ташкил қилади. Инсон капитали учун муҳим бўлган соғлиқни сақлаш йўналишидаги хизматлар 54,2 %га бажарилган. Энг паст кўрсаткич маҳалла инфратузилмаси йўналишида кўрсатиладиган хизматлар шу даврда 8,2 %га бажарилган холос. Агар нормал ва барқарор ҳолат бўладиган бўлса, камида 25,0 % га бажарилган бўлиши керак эди.

Самарқанд вилоятида эришилган муҳим ютуқлардан бири бандлик масаласи бўлиб, 2025 йилда 17 960 та аҳолининг бандлиги таъминланиши лозим эди. Ҳақиқатда ушбу биринчи чоракнинг ўзида 19 324 та аҳолининг барқарор бандлиги таъминланди. Бу режада кўзда тутилган миқдорга нисбатан 107,6 %ни ташкил қилади. Бунинг муҳим сабабларидан бири шундаки, вилоят бўйича қарор асосида 7633 та оилага туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги 1451 нафар раҳбарлар бириктирилган. Булар бундай мувоффақиятларга бевосита ҳар бир оила билан манзилли ишларни амалга ошириш натижасида эришилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиш мумкинки, мамлакатда агросервис хизматларини такомиллаштириш бевосита мамлакатда унумдор ерларни сақлаб қолиш, ҳосилдорлик даражасини орттириш ва арзон ҳамда сифатли озиқ овқат занжирини шакллантиришга олиб келар экан. Демак, агросервис хизматларининг такомиллашуви мамлакат аҳолисининг турмиш даражасига ҳамда озиқ овқатга бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондиришда муҳим бўғин ҳисобланади.

Юқоридаги муҳимлик принциплари инобатга олиниб арзон, самарали ҳамда сифатли агросервис хизматини йўлга қўйиш асосида “Сифатли хизмат→унумдор ер→юқори ҳосил→арзон маҳсулот” методи асосида аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлашнинг стратегик механизми ишлаб чиқилди (1-расм).

Расмда келтирилган “СУЮА модел” (“Сифатли хизмат→унумдор ер→юқори ҳосил→арзон маҳсулот”) орқали аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун кишлоқ хўжалигида энг аввало агросервис хизматларини тубдан ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқаради. Стратегиянинг асосий моҳияти



1-расм. Самарали ҳамда сифатли агросервис хизматини йўлга қўйиш асосида “СУЮА модел” асосида аҳолини арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлашнинг стратегик механизми

шундан иборатки, агар фермер ва деҳқон сифатли, арзон ва ўз вақтида хизмат олса, у ерга тўғри муносабат қилади, ер унумдорлиги ошади, натижада юқори ҳосил етиштирилади ва ишлаб чиқариш таннархи пасайиб, бозорда арзон маҳсулот шаклланади.

Бунинг учун ҳар бир туманда замонавий “Агросервис марказлари” ташкил этилади. Ушбу марказлар агрономик маслаҳат бериш, тупроқ таҳлилини ўтказиш, юқори сифатли уруғ ва ўғитлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги техникасини ижарага бериш, шунингдек, замонавий рақамли агротехнологияларни жорий этиш вазифаларини бажаради. Давлат томонидан тупроқ таҳлили тўлиқ молиялаштирилади, агроном маслаҳат хизматлари субсидия қилинади, техника ижараси учун лизинг фоизлари компенсация қилинади ҳамда юқори репродукцияли уруғлар харидига имтиёзли кўмак берилади.

Сифатли агросервис натижасида ер унумдорлигини оширишнинг аниқ механизми шаклланади. Ҳар бир ер майдони бўйича агрохимик хариталар яратилади, органик ўғитлаш ва компостлаш тизими ривожлантирилади, шўрланган ерларда мелиорация ишлари кучайтирилади, сув тежамкор технологиялар, айниқса томчилатиб суғориш кенг жорий этилади. Экинларни илмий асосда алмашлаб экиш орқали тупроқ тикланиб боради.

Ер унумдорлиги тикланганидан кейин юқори ҳосил олиш учун интенсив ва инновацион усуллар қўлланилади. Бу жараёнда замонавий уруғчилик, рақамли фермерлик, аниқ меъёрда ўғитлаш, зараркунандаларга қарши биологик кураш усуллари жорий этилади. Бу фермер харажатларини қисқартиради ва ҳосилдорликни барқарор оширади.

Юқори ҳосил етиштириш эса маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Таннархни пасайтириш мақсадида уруғчилик ва ўғитлаш маҳаллийлаштирилади, агросаноат учун имтиёзли ёқилғи тарифлари қўлланилади, логистика тизими такомиллаштирилиб, совуткич омборлар ва кооперация марказлари ташкил этилади. Энг муҳими, фермердан бозоргача бўлган занжир қисқартирилиб, рақамли савдо платформалари орқали маҳсулот тўғридан-тўғри истеъмолчига етказилади.

Бутун жараён “Агро-назорат” ягона рақамли платформаси орқали мониторинг қилинади. Унда ер ҳолати, ҳосил прогнози, хизмат сифати, маҳсулот таннархи ва бозор нархлари доимий таҳлил қилинади.

Натижада 3–4 йил ичида ер унумдорлиги сезиларли даражада ошади, ҳосилдорлик камида 1,5 баробарга ўсади, маҳсулот таннархи 30–35 фоизга камаяди ва аҳоли бозорда арзон, сифатли ҳамда барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Шу тариқа

“сифатли хизмат → унумдор ер → юқори ҳосил → арзон маҳсулот → аҳоли фаровонлиги” занжири мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиш моделига айланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятида камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишлари бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда. Бу бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳам мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда. Булар бевосита “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида кўзда тутилган вазифалар билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Тадқиқот жараёнида камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишлари бўйича ҳам айрим тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлинди. Булар бизнинг фикримизча куйидагилардан иборат:

Биринчидан, ҳудудлар кесимида янги иш ўринларини яратиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Айрим ҳудудларда ишсизлар кўп, аммо иш ўринларини яратишга, бирорта корхона қуришга имконият етарли бўлмаса, бундай шароитда аҳолининг имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир хонаданда ўзини ўзи иш билан банд қиладиган касбларни ташкил қилиш лозим бўлади.

Иккинчидан, бола тарбияси билан банд хотин-қизларни иш билан банд қилиш мақсадида касаначиликни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки аёллар уйдан чиқмасдан ишлайди. Агар улар тикувчилик билан шуғулланса, тикиш машинасини ҳам, хом ашё ва материалларни ҳам олиб келиб берилади. Улар тайёрлаган тайёр маҳсулотни сотиб олади ва касаначиликнинг ўзи сотиш билан ҳам шуғулланади. Бу ҳам даромадли соҳа бўлиш билан бирга аҳолига қулай ишлардан биридир.

Учинчидан, аҳолининг камбағаллик рўйхатига киритилган қисмидаги руҳиятни ўзгартириш лозим бўлади. Ҳозир улар “Менга давлат қарашади”, деган руҳият билан фақат давлатдан кўмак кутиб яшашга ўрганиб қолишган. Буларнинг руҳиятини ўзгартириш бўйича тегишли тадбирлар, зарур ҳолларда тарбиявий дарсларни ўтиш керакки, улар ўзларини ўзлари боқадиган, нима биландир шуғулланиб, фаровон яшашга интиладиган бўлишлиги лозим. Бунда маҳалла етилиги тизимли ишлар билан лозим.

Тўртинчидан, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш учун “СУЮА модели” (“Сифатли хизмат→унумдор ер→юқори ҳосил→арзон маҳсулот”) орқали қишлоқ хўжалигида энг аввало агросервис хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга камбағалликни қисқартириш имкониятини ҳам яратади.

Умуман олганда аҳолини камбағалликдан қутқариш учун иш билан таъминлаш билан бирга ҳар бирида яхши яшашга иштиёқни уйғотиш, ишни топиб, бой бўлишга йўналтирилган руҳиятни шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган талабларга ҳам мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора тадбирлар тўғрисида”ги №-ПФ-93 сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-70-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 22 декабрь.
6. https3://nuz.uz/uz/2026/01/02Ozbekistonda-2025-jil-yakunlari-bicha-kambaal-lik-darazhasi-va-aoli-daromadlari-talili-infografika/utm_source=chatgpt.com.
7. Пардаев М. Қ., Пардаев О. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Рисола. – Самарқанд, 2020.

Ф.Абилов Совершенствование механизма вывода населения из бедности на основе развития агросервисных услуг	F.Abilov Improving the mechanism for poverty reduction through the development of agroservice services
Аннотация. В статье рассмотрены вопросы совершенствования механизма вывода населения из бедности на основе развития агросервисных услуг. При этом показаны возможности обеспечения населения доступной и качественной продукцией на основе внедрения дешёвых, эффективных и качественных агросервисных услуг с использованием модели «СУЮА» («Качественное обслуживание → плодородная земля → высокий урожай → доступная продукция»). Также разработана программа мер, направленных на сокращение бедности. В ней освещены стратегические механизмы снижения уровня бедности, такие как обеспечение постоянной занятости населения, вовлечение их в предпринимательскую деятельность, предоставление земель в аренду и профессиональное обучение населения. Ключевые слова: агросервис, агросервисные услуги, модель «СУЮА», качественное обслуживание, плодородная земля, высокий урожай, доступная продукция, эффективность, бедность, сокращение бедности.	Abstract. The article discusses issues of improving the mechanism for reducing poverty through the development of agroservice (agroservice) services. It highlights the opportunities to provide the population with affordable and high-quality products by introducing low-cost, efficient, and high-quality agrosystem services based on the “SUYA model” (“Quality service → fertile land → high yield → affordable products”). In addition, a set of measures aimed at poverty reduction has been developed. The study outlines strategic mechanisms for reducing poverty, including creating permanent jobs, engaging the population in entrepreneurship, leasing land, and providing vocational training. Keywords: agrosystem services, agroservice, “SUYA model”, quality service, fertile land, high yield, affordable products, efficiency, poverty, poverty reduction.

Zebo Eshmaxmatovna Normurodova – Qarshi davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

MAISHIY XIZMATLAR SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA SINERGETIK, MESSIJERLIK VA GEFFEN SAMARALARINING O‘RNI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)

Annotatsiya. Mazkur maqolada maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishning nazariy va amaliy jihatlarini o‘rganilgan. Xususan, sinergetik, messijerlik va Geffen samaralarining iqtisodiy mohiyati ochib berilib, ularning o‘zaro bog‘liqligi Qashqadaryo viloyati misolida tahlil qilingan. Tadqiqot natijasida maishiy xizmatlar samaradorligini oshirishning kompleks modeli ishlab chiqilgan. Kalit so‘zlar: maishiy xizmatlar, samaradorlik, sinergetik samara, messijerlik samara, Geffen samara, raqamli iqtisodiyot, xizmatlar bozori, hududiy rivojlanish.
--

Kirish. Hozirgi globallashuv va raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmatlar sohasi milliy iqtisodiyotning eng muhim tarkibiy qismiga aylanmoqda. Xususan, xizmatlar sektorini rivojlantirish masalalari davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilanmoqda.

O‘zbekiston Respublikasining “Xizmatlar sohasi va servisni rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorlari hamda Prezident farmonlarida xizmatlar ulushini oshirish, aholi bandligini ta‘minlash va hududiy xizmat infratuzilmasini kengaytirish asosiy vazifalardan biri sifatida qayd etilgan[2].

Jumladan, PQ-5113-son Qaror doirasida hududlarda, ayniqsa qishloq joylarda maishiy xizmatlarni kengaytirish, yangi xizmat turlarini joriy etish va servis infratuzilmasini rivojlantirish vazifalari belgilangan.

Ayniqsa, maishiy xizmatlar aholining kundalik ehtiyojlarini qondirish orqali ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda muhim rol o‘ynaydi. Bu esa Harakatlar strategiyasi doirasida ham alohida ta‘kidlangan bo‘lib, unda xizmatlar sektorini rivojlantirish orqali aholi turmush darajasini oshirish zarurligi ko‘rsatib o‘tilgan.

O‘zbekiston sharoitida, jumladan Qashqadaryo viloyatida maishiy xizmatlar bozori rivojlanib borayotgan bo‘lsa-da, uning samaradorligini oshirish dolzarb masala bo‘lib qolmoqda.

ISSN 2091-5187

❧ “SERVIS” ❧

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

15.05.2026-yilda terishga berildi. 26.05.2026-yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0105A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.